

So'x tumani hokimining qarori So'x tumani bo'yicha qishloq xo'jaligiga mo'ljallanmagan yerlar uchun jismoniy va yuridik shaxslar bo'yicha mutloq miqdorda belgilangan bazaviy soliq stavkasiga kiritilayotgan kamaytiruvchi va oshiruvchi koeffitsiyentlarni ta

e-qaror.gov.uz

31.12.2022



**XALQ DEPUTATLARI SO'X TUMAN KENGASHI**  
**QARORI**

2022 - yil 31 - dekabr

VI-64-126-11-159-K/22

So'x tumani hokimligi

**Сўх тумани бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун  
жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган  
базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи  
коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-Фармонининг 4-бандига мувофиқ туман молия бўлими ва туман давлат солиқ инспекциясининг “қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” лойиҳаси бўйича киритган таклифларини муҳокама этиб, халқ депутатлари туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 9 декабрдаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллаш бўйича 06/04-34/4103-хдфу-сонли хатига кўра, куйидагилар:

ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2023 йилда 1,1 бараварга индексация қилиниши кутилаётганлиги;

1

Сўх тумани учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 33,0 млн.сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 297,0 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги;

келгуси йил базавий солиқ ставкасига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллашда кейинги йил маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан келиб чиқиш бўйича тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорларини белгилаш бўйича туман молия бўлимнинг ҳамда туман Давлат солиқ инспекциясининг қўшма таклифи маъқуллансин.

### 3. Мазкур қарор билан:

Сўх тумани ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Сўх тумани ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ,

Бунда,

Солиқ идораларига жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги;

туман халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин.

4.Сўх туман ҳокимлиги (И.Тожибоев), туман молия бўлими (З.Искандаров), туман Давлат солиқ инспекцияси (Ф.Турабоев) 3 кун муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича мутлоқ

миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган коэффицентларни МФЙлар етказилишини таъминласин.

5. Туман халқ депутатлари Кенгаши 1 ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни қўллаш бўйича муҳокамалар ўтказиб, йил якуни бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини туман Давлат солиқ инспекциясига тақдим этсинлар.

7. Сўх тумани Давлат солиқ инспекцияси (Ф.Турабоев) ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин.

8.Туман давлат солиқ инспекцияси (Ф.Турабоев) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб борсинлар.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi



С.Сайидмусаев

Xalq deputatlari So'x tuman  
Kengashining  
2022 yil 31 dekabrda  
VI-64-126-11-159-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

сўмда

Т/р	Шахарва туман номи	МФЙ лар номи	Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғи ставкаси 2023 йилдучун (1 квучун)
1	Сўх т	Ровон МФЙ	1,23	263
2	Сўх т	Истиклол МФЙ	1,18	253
3	Сўх т	Навобод МФЙ	1,02	218
4	Сўх т	Тарофатли шаҳарча	1,18	253
5	Сўх т	Офтобру	1,02	218
6	Сўх т	Сариканда	1,18	253
7	Сўх т	Сарибозорча	1,18	253
8	Сўх т	Калъа	1,18	253
9	Сўх т	Хазрати али	1,18	253
10	Сўх т	Ленбург	1,18	253
11	Сўх т	Тул	1,13	242
12	Сўх т	Калача	1,13	242
13	Сўх т	Девайрон	1,13	242
14	Сўх т	Сохибкор	1,13	242
15	Сўх т	Газнов	1,13	242
16	Сўх т	Чашма	1,02	218
17	Сўхт	Зангат	1,02	218
18	Сўхт	Демурсад	0,92	197
19	Сўхт	Гулистон	0,92	197
20	Сўхт	Чумокча	1,13	242
21	Сўхт	Сух (Обишир)	1,13	242
22	Сўхт	Мулгон	1,13	242
23	Сўхт	Хушёр	0,72	154
24	Сўхт	Шарқобод	0,72	154
25	Сўхт	Кизилкик	0,72	154

26	Сўхт	Себзор	0,72	154
27	Сўхт	Қақир	0,72	154

Xalq deputatlari So'x tuman  
Kengashining  
2022 yil 31 dekabrda  
VI-64-126-11-159-K/22-son qaroriga  
2-ilova

**Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича  
мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган  
камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

*минг сўмда*

T/p	Шахар ва туман номи	МФЙ лар номи	Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиги ставкаси 2023 йил учун (1 га учун )
1	Сўх т	Ровон МФЙ	1,2	29 700
2	Сўх т	Истиклол МФЙ	1,15	28 463
3	Сўх т	Навобод МФЙ	1	24 750
4	Сўх т	Гарофатли шаҳарча	1,15	28 463
5	Сўх т	Офтобру	1	24 750
6	Сўх т	Сариканда	1,15	28 463
7	Сўх т	Сарибозорча	1,15	28 463
8	Сўх т	Калъа	1,15	28 463
9	Сўх т	Хазрати али	1,15	28 463
10	Сўх т	Ленбург	1,15	28 463
11	Сўх т	Тул	1,1	27 225
12	Сўх т	Калача	1,1	27 225
13	Сўх т	Девайрон	1,1	27 225
14	Сўх т	Сохибкор	1,1	27 225
15	Сўх т	Газнов	1,1	27 225
16	Сўх т	Чашма	1	24 750
17	Сўх т	Зангат	1	24 750
18	Сўх т	Демурсад	0,9	22 275
19	Сўх т	Гулистон	0,9	22 275
20	Сўх т	Чумокча	1,1	27 225
21	Сўх т	Сух (Обишир)	1,1	27 225
22	Сўх т	Мулгон	1,1	27 225
23	Сўх т	Хушёр	0,7	17 325
24	Сўх т	Шаркобод	0,7	17 325
25	Сўх т	Кизилдик	0,7	17 325
26	Сўх т	Сабзор	0,7	17 325
27	Сўх т	Какир	0,7	17 325